

ADOLAT

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

adolat_sdp@doda.uz

www.adolat.uz № 7 (813) 2011 йил, 11 февраль, жума

МАҚСАДЛАР МУШТАРАКЛИГИ

«Бш адолатчилар» фаолиятида яққол намоён бўлмоқда

2-бет

Кувонарлиси, маҳаллий тadbиркор, хунарамд ёшлар ўз бизнесларини кенгайтиришга аҳд қилган бўлса, яна бир гуруҳ ёшларнинг тadbиркорликка бўлган қизиқиши кучайиб, ўзларининг бизнес лойиҳаларини тақдим этишди.

ҚОҒОЗДА БАЖАРИЛАЁТГАН ИШЛАР

ёки Чортоқ туманида ёшларнинг бандлигини таъминлашга доир айрим камчиликлар ҳусусида

3-бет

Маҳаллий Кенгаш депутатларининг оз эмас, кўп эмас, нақд 17 нафарини ўз фаолиятида аҳолининг бандлигини таъминлаш масаласига устувор вазифа сифатида қараб келаётган Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган депутатлар ташкил этади.

БОЛА СУВЧИ БЎЛАМАН ДЕСА...

Хорижий мамлакат раҳбаридан бирининг суюкли ўғли ўтган асрининг етмишинчи йилларида фарбдаги номдор олиқ ўқув юртининг муҳандислик факультетига ўқишга кириб, тўрт йил таҳсил олади. Аммо битирув имтиҳонларини икки-уч бор уриниб ҳам, топшира олмади. Унга диплом беришмайди, имтиҳон комиссияси талабда муҳандислик иқтидори йўқ, деган қатъий хулосага келади.

4-бет

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг Японияга расмий ташрифи яқунларига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Япония Бош вазири Наото Каннинг таклифига биноан 2011 йил 8-10 февраль кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташриф давомида Токиода Япония Императори Акихито, Япония Бош вазири Наото Кан, Япония Парламентининг юқори ва қуйи палаталари раислари — Т.Нишиока ва Т.Йокомичи, ташқи ишлар вазири С.Маехара, «Япония демократик партияси — Ўзбекистон» ва «Япония Либерал-демократик партияси — Ўзбекистон» парламент дўстлик лигалари раҳбарияти ва аъзолари билан учрашди.

Музокаралар чоғида томонлар Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболлари юзасидан, ҳамкорликнинг кенг қўламли йўналишлари бўйича самарали ва батафсил мулоқот ўтказдилар.

Томонлар Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилганидан сўнг ва 1991 йил декабрь ойида давлатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрна-тилганидан кейин икки томонлама алоқалар тенг ҳуқуқлилик, конструктив ҳамкорлик ва манфаатларни ўзаро ҳурмат қилиш таъминини асосида изчил ривожланиб келаётганини таъкидладилар. Ўзбекистон Президентининг Японияга 1994 йил май ойидаги илк ташрифи чоғида ўзаро узоқ муддатли ва кенг қўламли муносабатларнинг

муस्ताҳкам асоси яратилди. Токиода 2002 йил июль ойида имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасидаги Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот Ўзбекистон — Япония олиқ даражадаги ҳамкорлиги ривожининг амалий ифодаси бўлди.

Япония Бош вазири Жунъичиро Коидзумининг 2006 йил август ойида Ўзбекистонга расмий ташрифи чоғида икки томонлама сиёсий мулоқот изчил давом эттирилди.

2010 йилнинг май ойида Тошкентда ўтган Осиё тараққиёт банки Бошқарувчи чилар кенгашининг 43-йиллик мажлисида Япония делегацияси раҳбари бўлган, бугунги кунда ушбу мамлакат Бош вазири Наото Кан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан учрашди.

Ўзбекистон ва Япония халқаро ташкилотлар ва институтлар доирасида ҳам конструктив ҳамкорликни йўлга қўйган. Ўзбекистон БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолигига Япония номзодини изчил қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўз навбатида Япония Ўзбекистоннинг Ўрта Осиёда ядро қуролдан холи ҳудуд барпо этиш борасидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Томонлар «Марказий Осиё + Япония» мулоқот механизми доирасида кўп

томонлама алоқаларни фаол ривожлантирмоқда.

Икки мамлакат парламентлари ўртасида ҳамкорлик изчил йўлга қўйилган.

Савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалар Ўзбекистон ва Япония стратегик ҳамкорлигининг ғоят муҳим йўналишлари ҳисобланади.

Япония Ўзбекистон Республикасининг энг йирик сармоявий шерикларидандир. Нефть-газ саноати, транспорт сектори, телекоммуникация, соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги устувор лойиҳалар ижроси учун ажратилган молиявий маблағлар миқдори 2,3 миллиард, жумладан, давлат имтиёзли иенали кредитлар линияси бўйича — 1,2 миллиард, бегараз ёрдам линияси бўйича — 280 миллион, техникавий ёрдам линияси бўйича — 110 миллион, тижорий кредитлар линияси бўйича — 720 миллион АҚШ долларидан ошди.

Япониянинг етакчи компаниялари иштирокида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини қуриш, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ва Тошкент вагон таъмирлаш заводини реконструкция қилиш каби йирик инфратузилмавий лойиҳалар амалга оширилди, Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро ва Урганч шаҳарларидаги аэропортлар модернизация қилинди, мамлакат телекоммуникация тармоқлари рақамли тизимга ўтказилди.

Давоми 2-бетда >>

Парламентда

Фарҳод ЭСОНОВ, «Adolat» мухбири.

Ҳар бир демократик давлатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш энг устувор вазифалардан саналади. Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсади белги-ланган, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети гоёларига, демократия ва ижтимоий адолатга содиқлик эълон қилинган, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устулиги таъминланган. Тарихан қисқа муддат ичида, мустақил Ўзбекистон ушбу демократик принципларга содиқ ҳолда давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида босқичма-босқич ислохотларни изчил амалга ошириб, халқаро майдонда юксак эътирофга сазовор бўлиб келмоқда. Давлат ва жамиятнинг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида Ўзбекистон эришаётган марра ва ютуқлар энг аввало миллий давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, жамият ҳаётини демократик анъана ва қадриятлар билан янада бойитиб бориш орқали халқимизга муносиб турмуш даражасини яратиш ва эртанги кунга катта умидлар билан қадам қўйиш имконини бермоқда.


Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият

уни юксалтиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг ўрни катта

Парламент қуйи палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракциясининг навбатдаги мажлисида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2010 йил ҳисоботи-ни тинглаш асосида, мазкур муассаса инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида ташкил этилган муҳим институтлардан бири сифатида бўй чўзганини алоҳида эътироф этишди.

— Жамиятни янада демократлаштириш, бошқаруви янгилаш жараёнига дахлдор масалалар изчил ва босқичма-босқич ўтказилаётганини давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида Юртбошимизнинг доимий эътиборида, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси раҳбари Исмоил Саифназаров. — Жумладан, Ўзбекистон Рес-

публикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан 1995 йилда минтақа давлатлари ичида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда Омбудсман институти ташкил этилди. 1997 йилда Омбудсманнинг ҳуқуқларини, мажбуриятларини, фаолиятининг асосий йўналишларини ва қаролларни белгилаб берувчи «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. (2004 йилда эса ушбу Қонун янги тахрирда қабул қилинган). Вақил ташкил этилганининг илк давриданок ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, халқаро шартномалари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари асосида амалга оши-



Давоми 2-бетда >>

«Адолат» қанотида «Мадад»нинг кўмаги

Ҳамкорлик

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни ўзининг асосий мақсадларидан деб билган Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси шу мақсади сари интилиб, фаолиятини кенгайтириб келмоқда. Айниқса, Юртбошимиз томонидан жорий 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили» деб эълон қилиниши бу ҳаракатларнинг янада кенг ва жиддий тус олишига туртки бўлди, десак му-болага бўлмайди.



Айтиш лозимки, мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янги ва янада юқори босқичга кўтаришда, аҳоли ижтимоий ҳаётини яхши-лашда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг ўрни, аҳамияти нечоғли катта экан-

лиги бугун ўз исботини топмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда: «Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик ўзининг иқтисодий-иқтисодийдаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда,

бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожига алоҳида ўрин эгаллайди».

Дарҳақиқат, ички бозоримиз ўзимизда тайёрланган, юртдошларимизнинг меҳнати туфайли ҳосил бўлган маҳсулотларга тўлиб, кичик корхоналарнинг экспорт салоҳияти ошишига нима етсин.

Шундай экан, бу соҳани ривожлантирмасдан, унга тегишли кўмак ва рағбат бермасдан, зарур имконият, имтиёзлар яратмасдан туриб, иқтисодиётимизнинг келажагини, халқимизнинг фаровонлигини таъминлай олмаймиз.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда «Адолат» социал-демократик партияси ўзининг жойлардаги тармоқлари, аъзолари ва аҳолининг кенг қатлами манфаатини қўллаб яна бир муҳим қадам ташлади.

Давоми 2-бетда >>

Европа қадриятлари Осиё минтақасида

Холис назар

Дмитрий ДРОБОТУН, «Международный курьер» ҳафтаномаси бош муҳаррири ўринбосари, Украина

Қарийб 20 йилдирки, мустақил Украина мамлакатининг ўзига хос иқтисодий ва сиёсий тараққиёт моделини яратишга ҳаракат қилиб келмоқда. Тараққиётнинг европача усулини қўллаб, демократик қадриятларни жорий этишга интилаётган ҳокимият вакиллари ўз олдларига қўйган мақсадларига етишиш йўлини Фарбнинг ривожланган давлатларидан қидиришмоқда.

Украинада ислохотларнинг катта қисми Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва бошқа халқаро тузилмалар қоидаларига ҳамохан равишда амалга оширилди ва шу тарзда давом этмоқда. Бу ташкилотларнинг обрў-эътибори шубҳага ўрин қолдирмайди, албатта. Бирок Фарб ўз ривожланиш йўлига эга ва бу йўл Украинаникидан

риб келмоқда. Шу боис, Вакил томонидан Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш йўлида эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Ўтган 2010 йилдаги институт фаолияти таҳлилий фикринингизнинг ёрқин далилидир.

Омбудсман ҳисобот йилида фуқаролардан тушган мурожаатларни ўрганиш ва ҳал этиш билан чеғараланиб қолмай, балки Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама этилган инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга оид қонун лойиҳаларининг такомиллаштирилишида, қабул қилинган шундай қонунларнинг ижроси устидан мониторинг олиб боришда фаол иштирок этди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган 97 та, жумладан, мам-

лакат миқёсида 55 та, халқаро доирада 42 та тadbирда иштирок этди. Омбудсманга фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар сони эса 10 мингдан ортиқ бўлди.

— Инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда Омбудсманнинг алоҳида ўрни бор, — деди фракция аъзоси Собир Турсунов. — Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича Вақил фаолияти йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Буни фуқаролар томонидан Омбудсманга бўлган мурожаатларнинг ижобий ҳал қилинаётганини, шу боис фуқароларнинг мурожаатлари йилдан-йилга ортиб бораётганини, пировардида, унга бўлган ишонч ортаётганини қўриб туришимиз.

Давоми 2-бетда >>

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2011 йил январь ойи ўрталарида чоп этилган, жаҳондаги иқтисодий вазият ҳақидаги маърузасида, жумладан, МДХ мамлакатлари кўрсаткичлари ҳам ўз аксини топган. Ҳамдўстлик мамлакатлари ичида Ўзбекистон ажралиб турибди. Айнан шу давлат сўнги йилларда, хусусан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида иқтисодий ўсишнинг барқарор кўрсаткичларига эга бўлган ягона мамлакатдир. БМТ маълумотларига қўра, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулот ўсиши бўйича МДХ давлатлари ичида 8 фоизлик кўрсаткич билан яққол келадан бўлиб турибди. Бунинг устига, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти иқтисодчилари мазкур давлат яқин икки йилда етакчиликни қўлдан бермаслигини баъшорат қилишмоқда!

Украина ва Ўзбекистон жамиятини ислох қилишнинг икки йил айрича йўллари танлашди.

Давоми 3-бетда >>

Қоғозда бажарилаётган ишлар

ёки Чортоқ туманида ёшларнинг бандлигини таъминлашга доир айрим камчиликлар хусусида

Таассуф!

Саидолим АБДУРАҲМОНОВ,
«Adolat» мухбири.

Бугун мамлакатимизнинг барча соҳаларда бўлгани каби ижтимоий ҳаётда ҳам кенг қўламли ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида, ҳатто олис қишлоқ жойларида ҳам улкан бунёдкорлик, яратувчанлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Босқичма-босқич ҳаётга тадбиқ этилаётган ушбу ислохотлар замирида эса, аввало, юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлигига эришишдек эзгу мақсад мутасадди.

Ислохотлардан кўзда тутилган натижага эришилаётганлиги — замонавий ва кўркам таълим муассасалари қад ростлаётганлиги, янгидан-янги ишлаб чиқариш корхоналари, маданий-маиший объекти ишлаб чиқарилаётганлиги, пировард натижада улар халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётганлиги қувонарли ҳол, албатта. Бироқ, ютуқ бор жойда камчилик бўлганидек, айрим жойларда жўзий муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, аҳолини ижтимоий ҳимоялашда муҳим ўрин

Чортоқ туманида бор-йўғи 53 фойизга бажарилган, холос. Шу билан бирга туманда 2010 йилда ишлаб чиқилган янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури режаси ҳам охирига етказилмаган. Барпо этилган янги иш ўринларининг қарийб 80 фойизи қишлоқ жойларидаги фермер хўжалиқлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Аммо бағри кенг фермер хўжалиқларида ишга жойлашган ёшларнинг иш ўрни доимийлигига кафолат етарли эмас. Айримлари вақтинча мурасосозлик қабилида, гўё ишли одам сифатида қайд этилганлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

2009-2010 ўқув йилида Чортоқ туманидаги 9 та касб-хунар коллежини жами 3141 талаба битирган. Уларнинг 300 нафарига яқини эса ҳанузгача иш билан таъминланмаган. Демак, режа 90 фойизга уқдаланган. Қолганларининг тақдирини эса аниқ... Ҳўш, бундай вазият юзага келишида ким айбдор?

Бизнингча, туман ҳокимлиги, мутасадди идоралар ва албатта, ўтган сайловлар даврида сайловчининг ишонига, овозига эга бўлиш учун бир дунё ваъдаларни берган Халқ депутатлари вилоят, туман кенгашлари сайланган депутатлар, айни

Агар туман ҳокими А.Бойхонов ёки ХДПнинг мутасадди вакиллари сайловолди дастурида ёшлар масаласини, хизмат кўрсатиш тизимини яхшилаш ва бандлик муаммоларини ҳал этишни устувор йўналишлари сифатида белгилаб олишганини унутмаганлариде, кўрқ сўздан амалий ҳаракатга ўтганлариде, эди, ҳудудда бундай хатоларга йўл қўйилмаган бўларди. Шунинг ўзи туман кенгашида ҳар қандай масалани муҳокама этиш ва қарорлар қабул қилиш имкониятига эга бўлган маҳаллий кенгаш депутатларининг жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш борасидаги даъватларга муносиват қай даражада эканини яққол кўрсатиб турибди. Мавжуд вазият туманда иш олиб бораётган сиёсий партиялар фаолларидан, айниқса депутатлардан жамоатчилик назоратини кучайтиришни, Халқ депутатлари туман кенгаши сессияларида долзарб масалаларни дадил кўтариб чиқиб, улар ижросини таъминлашда маъсулиятни зиммаларига олишни ҳамда қатъиятли бўлишни тақозо этади. Токи бундай назорат кўнжувчанлик ва лоқайдлик иллатларини бутунлай бартараф этиш имконини берсин.

Бинобарин, янги иш ўринлари яратиш, айниқса, ёшларни ўзлари хоҳлаган соҳаларга жалб этишда партиявий мансублигидан қатъий назар барча депутатлар маъсулиятини бирдек ҳис этишлари лозим. Эеро, барча сиёсий партияларнинг сайловолди дастурулариде аини масалага бирламчи эътибор қаратилган бўлиб, бу сайловчилар овозини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

Тўғри, вилоятнинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар улуши сезиларли ошган. Бу — катта ютуқ. Лекин 27511 та кичик бизнес субъектларидан 9,7 фойизи ёки 2054 таси фаолият кўрсатмаётганлиги ҳудудда аҳолини, айниқса ёшларни иш билан таъминлашга салбий таъсир этмоқда. Таъкидлаш жоизки, аҳолини иш билан таъминлаш масаласи — давлатимиз сиёсатининг устувор вазифалари сифатида қаралаётган бир пайтда, унинг ижросига эътиборсизлик қилишга, сусткашликка асло йўл қўйиб бўлмайди. Аксинча, қатъиятчилик ва ташаббускорлик кўрсатишга, қўла-қўлга мақсадларимизга сондагина эмас, сифатда ҳам эришилган бўлардики.

Раҳбарлик масъулияти

нималарда намоён бўлади?

Давра сўхбати


Нурбек ҒАЙРАТ ўқли.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон давлат тарих музейида ташкил этилган «Сиёсий раҳбар ижи» мавзусидаги давра сўхбатиде Олий Махлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, партия Хотин-қизлар қаноти фаоллари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этади.

Тадбирда сўзга чиққанлар раҳбарлик масъулияти фақат ўз олдига қўйилган талабларини бажаришда эмас, балки бутун жамоа зиммасидаги вазифаларини ҳам теран англашда намоён бўлишини иштирокчиларга касбий ва амалий мисолларда тушунтириб бердилар.

— Раҳбар ижи бевоқифа у олиб бораётган фаолиятда, эришаётган натижалариде намоён бўлади, — деди «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Фарида Пармонова. — Унда ўз соҳасининг етуқ билимдонлиги билан бирга, юксак инсоний фарзандлар ҳам шаклланиб бўлиши шарт. Президентимизнинг «Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди» мавзусидаги маърузасида янги замон талабларига муносиб жавоб бера оладиган кадрларни тайёрлаш давлатимиз учун стратегик аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланган.

«Ўтган йили мамлакатимиз молия-банк тизими ликвидлигини янада мустаҳкамлаш, унинг барқарорлигини кучайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилди», — деб таъкидлади Президентимиз шу йил 21 январь кунини Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида. Дарвоқе, 2010 йилда мамлакатимиз тижорат банклари-нинг жами капитали 36 фойизга ортиб, эришилган 23 фойиз миқдоридеги капиталнинг етарлилик даражаси муваффақиятли таъминланди. Бу — дунё бўйлаб қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 баробардан ҳам кўпдир.



Европа қадриятлари Осиё минтақасида

« Давоми. Боши 1-бетда

Албатта, у ёки бу ислохотларнинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида муайян вақт ўтган, уларнинг натижаларини баҳолаш мумкин бўлган. Аммо инқирознинг энг мураккаб йилларида ҳам Ўзбекистон иқтисодийнинг барқарор ривожланишида давом этганлигини билдирувчи маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, Украина ҳукумати собиқ иттифок бўйича қардорларнинг тахрибасига эътибор қаратса, яхши бўларди.

Ўзбекистон ўз менталитетига мос равишда, иттифок парчаланган, янги барпо этилган давлатни ислох қилишда шомашошарликка берилмади. Улар «янги уй қурмай туриб, эскисини бузмаслик» тамойилига қатъий риоя қилишди. Бу эса кейинчалик мамлакатни ривожлантиришнинг «ўзбек модели»га айландики, бугунги кунда улар бундан фарҳангида ва бунга тўла асослари бор.

Ўзбекистон қўлга киритган ютуқларнинг энг асосий сабабларидан бири, шубҳасиз, ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётганлигидир. Айна шу туфайли ҳокимият вакиллари фақат қисқа давргача эмас, балки анча мураккаб бўлган узок келажакка мўлжалланган истиқболли режалар тузиш имкониятига ҳам эга бўлдилар. Яқинда қабул қилинган мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси бунинг яққол тасдиғидир.

Мамлакатдаги сиёсий барқарорликка, авваламбор, жуда катта ваколатларни мерос қилиб олган Президент Исом Каримовнинг оқилона сиёсати туфайли эришилган. Бироқ кейинги йилларда, жумладан, 2010 йилда, Ўзбекистонда мамлакат Конституциясига босқичма-босқич режалар равишда ўзгартишлар киритилмоқда. Ана шундай ислохотларнинг кейингиси Президент ваколатларини қисман ҳукуматга ўтказишни кўзда тутди.

Давлат ва жамиятни ислох қилишга мана шундай босқичли,

айтиш мумкинки, «мулоим» ёндашувлар ўз натижасини бермоқда. Давлат ҳокимияти инқилобий қарорлар қабул қилиш оқибатида юзага келадиган «ёнгинлар»ни кўп меҳнат ва ҳарajat эвазига бартараф этишга жалғимасдан тараққиёт йўлида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда давлат бошқаруви ҳамда иқтисодийта давқуллада вазиятлар юзага келмайди ва уларни доимий равишда ҳал этишга эҳтиёж йўқ. Бу эса сиёсий эътиборларнинг бутун эътиборларини оламшумул мақсад ва вазифаларга қаратишлари учун имконият яратди. Бу борада Ўзбекистоннинг ижобий тахрибаси мавжудлигини ва уни Украинада ҳам жорий этиш мумкинлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ўзбекистонда 1997 йилдан буюн тараққиётнинг муайян босқичида устувор аҳамият касб этган соҳалар ривожига қаратилган дастурлар қабул қилинмоқда. Давлат миқёсида қабул қилинган мазкур дастурлар Президент назорати остида йил давомида барча давлат органлари ва муассасалари томонидан иччил амалга оширилади. Пировардиде бу ўша соҳанинг янада тараққиёт этишига катта туртки беришини ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

2010 йил «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинганди. Мамлакат келажакни таъминлашда асосий омил бўлган янги авлодини шакллантиришдек муҳим вазифа давлат томонидан қабул қилинган дастурни ҳаётга татбиқ этиш орқали муваффақиятли амалга оширилди.

Ўтган йил мубойнида давлат ҳисобидан минглаб мактаблар, лицейлар, спорт заллари таъмирланди ва қуриб ишга туширилди. Ўқув муассасалари, хусусан, қишлоқ жойлардагиларни ҳам компьютер техникаси ва интернет билан таъминланди.

Украина ва МДҲнинг бошқа давлатларида ижтимоий соҳа харажатларини чеклаш масаласи фаол муҳокама қилинаётган аини пайтда Ўзбекилам оналик ва болаликни муҳофазалаш орқали миллият ва ёш авлод саломатлигини асраш, шунингдек, ёш оилалар

ни уй-жой билан таъминлаш масалаларига жиддий эътибор қаратмоқда. Бундай фаолият хўжақўрсинга эмас ва бола туғилганда берилган нафақани ошириш билангина чекланиб қолмайди. Дастур киз болаларга тиббий ёрдам кўрсатишни яхшилашга ва ҳомиладор аёллар соғлигини тиклашга қаратилган. Бу эса пировард натижада соғлом фарзандларнинг туғилишига, соғлом миллатнинг шаклланишига олиб келади.

Мазкур мамлакатда амалга оширилаётган ишларга ЮНИСЕФ ҳам юқори баҳо бериб, Ўзбекистонни оналик ва болаликни муҳофазат қилиш бўйича дастурни жорий этишда минтақадаги намуна сифатида эътибор этди.

2011 йил Ўзбекистон бу дастурни давлат томонидан молиялаштиришни янада кучайтиришни режалаштирмоқда. Шу билан бирга, жорий йилда асосий эътибор яна бир бошқа дастурга қаратилди: Ўзбекистонда 2011 йил «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили», деб эълон қилинган.

Крубини турганидек, Ўзбекистон бу борада Халқаро валюта жамғармаси таъсирини тушиб қолган Украинага нисбатан кўпроқ Европага хос фикр юратди. 2010 йил натижаларига кўра, давлат ялпи ички маҳсулотининг 53 фойизи кичик ва ўрта бизнес ҳиссасига тўғри келган. Бу баъзи ривожланган Фарб давлатларидагидек ҳам юқоридир. Маълумки, кичик ва ўрта бизнес иқтисодий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи қучидир. Украинада эса бу «куч»нинг улуши 15 фойиз атрофида, холос. Ваҳоланки, бу кўрсаткич ўрта синф мулкдорларинан иборат демократик жамиятнинг асосий мезонларидан биридир.

Биз ҳарчанд Европага интилимизга қарамастан, Фарб мамлакатларидан мақсадимизга эришишимизга мақбул механизмимизни ололмаймиз, шундай экан, сиёсатчиларимиз эътиборини «қўнма китба»дан узоқда бўлса-да, бу китба қадриятларини амалда рўйбега чиқара олаётган мамлакатларнинг ривожланиш йўлига қаратиш ўринли бўлув эди.

(«Халқ сўзи» 10 февраль сонидан.)

Мижозларга янги имкониятлар

қамларга кўз ташланг: 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра банк томонидан жами 21,8 миллиард сўм кредит берилган бўлиб, шундан 19,3 миллиард сўми кичик бизнес хўжалик субъектларига ажратилган. Тармоқлар бўйича йўналтирилган маблағлар ҳам ўз салмоғи ва залворига эга. Масалан, саноат соҳасига 8434,8 миллион сўм, савдога — 3283,4 миллион, қурилишга — 2052,7 миллион сўм ажратилганининг ўзиёқ банк капитали бақувватлигидан ёркин далолат. Транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа жабҳаларга улашилган маблағлар ҳамми ҳам миқдорлар қалбиде банкка бўлган ишонч ва ҳурмат-

ри мутасадди чуқур таҳлилдан ўтмоқда. 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра кредитдан фойдаланганлиги учун мuddати ўтган фойиз тўловлари юзасидан қарздорликлар мавжуд эмас. Президентимизнинг «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2009 йил 26 январдаги қарори талаблари ижроси ҳам доим диққат марказимизда, — давом этади сўхбатдошимиз. — Бу йилда банк томонидан 5830,0 миллион сўм миқдориде кредитлар ажратилди, уларнинг самараси билан 150 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Масалан, «Парранда саноат

«Hakima nur», «Абдувосиқ ўғли Носир», «Vitta Juices», «Московские деликатеси» сингари маъсулият чекланган жамиятлари фаолиятда ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Қолаверса, бундай ижобий силжишларни давлатимиз раҳбарининг «Еш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» (2007 йил, 18 май) даги, «Мамлакатимизда ноозиқимизда, — давом этади сўхбатдошимиз. — Бу йилда банк томонидан 5830,0 миллион сўм миқдориде кредитлар ажратилди, уларнинг самараси билан 150 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Масалан, «Парранда саноат



навий банк технологияларидан самарали фойдаланилмоқда. Аниқроқ айтганда, миқдорлар мазкур банк тисолида бўлган молиявий операцияларда ўзларининг ҳалол ва ишончли ҳамкорини кўрмоқдалар. Юридик шахсларнинг бизнеси учун (бизнеслари хусусиятлари ҳисобга олинган индивидуал схемага кўра) ҳисоб-кисса хизматлари кўрсатиш дейсизми, юридик ва жисмоний шахсларни кредитлаш, хўжалиқлар фаолиятига тезкор ва омонат депозитларга ҳамда депозит сертификатларга амал қилиш мuddати турлила дифференцияланган фойиз ставкалари тўлови дейсизми, юридик йўл-йўриқлар бериш, қонун тўловлар қабул қилиш дейсизми — ҳуллас, қўлдан-қўл соҳаларда юксак маданиятли, замонавий банк хизматини ҳис этасиз. Яхшиси, келинг, мана бу ра-

Барак» фабрикасида, «GOLDTEK» маъсулият чекланган жамиятига, «Шаффоф сервис» маъсулият чекланган жамияти тасаруфидеги корхонага берилган кредитлар бугунги кунда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда... Дарвоқе, «Парранда саноат Барак» фабрикасини олинг: корхона асосан парранда гўшти ва товуқ тухуми ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, 3 йиллик мuddат билан олинган кредит эвазига замонавий технология линиялар харид қилинди. Пировардиде, корхона кенгайди, жараёнлар модернизация қилинди. Маҳсулот ишлаб чиқариш эса қисқа мuddатлардаёқ амалга ошди. Янги-янги иш ўринлари вужудга келди. Худди шундай самара мазкур банкдан кредит олган «Умид Музалов», «Meat Max» «Имкон сўт-файз» каби хусусий корхоналар,

«Hakima nur», «Абдувосиқ ўғли Носир», «Vitta Juices», «Московские деликатеси» сингари маъсулият чекланган жамиятлари фаолиятда ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Қолаверса, бундай ижобий силжишларни давлатимиз раҳбарининг «Еш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» (2007 йил, 18 май) даги, «Мамлакатимизда ноозиқимизда, — давом этади сўхбатдошимиз. — Бу йилда банк томонидан 5830,0 миллион сўм миқдориде кредитлар ажратилди, уларнинг самараси билан 150 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Масалан, «Парранда саноат

ADOLAT

ИЖТМОИЙ-СИЁСИЙ
газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши

Тахрир хайати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмон САИФНАЗАРОВ, Алишер МУМИНОВ, Жовнатон ИНОҒОМОВ, Зухра БОТИРОВА, Иқбол МИРЗО, Муҳаммад АЛИ, Мавжуд ХУҶАМБЕРДИЕВ, Мукарремхон АЗИМОВА, Рашид ХАЙДАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Светлана ОРТИҚОВА, Талъат МУРОДОВ, Қодир ЖУРАЕВ.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Тахрират манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақом билан рўйхатга олинган.

НАШР КўРСАТКИЧИ: 100 ISSN 2091-5217

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Бюрогма Г-200. Ҳажми — 2 бошма табоқ. Фсфет усуллада босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 7846. Босишга топшириш вақти — 22.00. Босишга топшириш — 04.00. 1 2 3 4

Баш муҳаррир: Худобер МАМАТОВ
Баш муҳаррир бичири ўрибосари: Абдувапи СОЙИБНАЗАРОВ (Нашир учун масъул)

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 236-57-14; Маланит, ахборот, спорт ҳамда катталар билан ишлаш бўлими — 236-54-39;

Телефонлар: қабулхона — 236-53-14, 233-40-86 (факс); котибона — 233-41-89.
Навбатчи муҳаррир: — Ф. ЭСОНОВ.
Навбатчи: — Э. ЮЛДОШЕВ.

«Адолат»дан кўчириб босиш фақат тахрират рўхсати билан амалда оширилади.
t — Тижорат мақола белгиси.



Замонавий спорт-соғломлаштириш маркази

Болалар спорти

Жамшид НОРҚОБИЛОВ
(ЎЗА)

«Шўртангазимё» мажмуасига қарашли «Геолог» спорт-соғломлаштириш маркази Қарши шаҳридаги йирик спорт иншо-

отларидан бири. Унинг таркибда замонавий футбол майдони, минифутбол, тренажер заллари, ёпиқ бассейн ва спорт секциялари қатнашчилари индивидуал шугулланиши учун алоҳида заллар бор.

2007 йилда ишга туширилган ушбу марказ бугунги кунда спортчилар ва жисмоний чини-

қиб, ўз саломатлигини мустаҳкамлашни истagan турли ёшдаги аҳолининг сеvimли масканига айланган. Мамлакатимизнинг энг кучли аёллар футбол жамоаси — «Севинч» қизлари ҳам шу ерда машгулот ўтказadi.

Суратда: марказда маҳоратини ошираётган бир гуруҳ умидли спортчилар.

Юксак ҳуқуқий маданият

Семинар

Илбё САХАТОВ,
«Adolat» мухбири.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар жараёнида инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш масалалари устувор ўрин тутadi. Зеро, бу вазифалар демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шартидир.



Ўзбекистон «Адолат» СДП Миробод тумани Кенгаши ва Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ижтимоий маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Тошкент шаҳар ахборот таҳлил маркази ҳамкорлигида ташкил этилган «Аҳолининг юксак ҳуқуқий маданиятини ҳамда фуқароларнинг қонунга итоаткорлик туйғусини шакллантиришда сиёсий партияларнинг вазифалари» мавзусидаги семинар шу каби долзарб вазифалар таҳлилига бағишланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини янада оширишда энг аввало, Юртбошимиз томонидан

илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да баён қилинган йўналишлардаги устувор вазифаларга таяниш лозимлигини эътироф этишди. Концепцияда жамиятимизнинг турли соҳаларига оид 40 дан ортиқ қонун ва қонун лойиҳалари ҳақида сўз юритилганки, унинг амалга оширилиши демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

— 2008 йилда кучга кирган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий

қонуннинг қабул қилиниши ҳамда жамоат ташкилотлари фаолиятига оид бошқа қонун ҳужжатлари фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, сиёсий партияларнинг ижтимоий жараёнлардаги иштирокини янада кучайтириш учун имкониятлар яратиб берди дейди.

— Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, «Адолат» СДП Миробод тумани Кенгаши раиси Тошўлат Матибоев. — Партиямиз турли жамоат бирлашмалари билан доимий ҳамкорлик асосида фуқароларнинг ижтимоий аҳамиятга эга ташаббусларини рўйбга чиқариш бўйича амалий ишлар олиб бормоқда. Бу Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг сайловолди дастурида ҳам ўз аксини топган. Аҳоли орасида ҳуқуқий мавзуга оид тадбирларнинг ўтказилиши фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлган ишончини ошириш билан бирга, партия мавқенини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Семинарда аҳолининг юксак ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда жамоат, нодавлат-нотижорат ташкилотлари мутахассислари билан ҳамкорликда нафақат маҳаллалар ва ўқув юрталар, балки ташкилот ва идоралар, меҳнат жамоалари орасида ҳам мунтазам равишда тадбирлар ташкил этиб бориш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, қизгин баҳс-мунозаралар асосида ўтган семинарда партия депутатлик гуруҳи аъзолари ўз депутатлик сўрови ҳуқуқидан фойдаланиб фуқароларнинг муурожаатлари ва муаммоларини ҳар томонлама ўрганиши, керак бўлса уларга амалий ёрдам ва ҳуқуқий маслаҳат бериб боришлари лозимлиги қайд этилди.

Бола сувчи бўламан деса...

Касб қандай танланади!

М. АҲМЕДОВ

Ҳар йили, саратон авжида олий ўқув юрталари ҳовлилари абитуриентлар билан гавжум бўлади. Кимдир юрист бўлмоқчи, кимдир журналист, яна кимдир шифокорликни танлаган. Ўн йил бир партада ёнма-ён ўтириб сабоқ олган икки дўстнинг бири ҳуқуқшуносликни орзулайди, иккинчиси молия мутахассислигига қизиқади. Ҳар иккаласида ҳам бир олам орзу.


Улар билан гаплашсангиз, қизиқ бир ҳолатга дуч келасиз. Айримлари ўзлари ихтиёр қилган касбни анча аввал танлаб, шунга яраша тайёргарлик кўриб келишган, кўшимча сабоқ олишган, керакли китобларни топиб ўқишган. Аммо мактабни битириб, бирор бир олий ўқув юртининг ҳовлисига етиб келгач, шу ерда касб танлайдиганлари ҳам оз эмас. Бундай ҳолатда боланинг қизиқиши, иқтидори эмас, абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиб олиш қандай бораётгани, ўқув юртининг қаерда жойлашгани, метро бекатига узоқ-яқинлиги ҳам аҳамият касб этади. Кеча тарихчи бўлмоқчи бўлган ўсмирнинг фикри бирдангина ўзгариб, биология факультетини қидириб қолади. Эрталаб журналист бўлмоқчи бўлса, тушдан кейин тиббиёт академиясига қараб йўл олади. Ҳужжатини топширади ҳам, аммо орадан бир-икки кун ўтиб, фикри яна ўзгаради. Фалон олийгоҳда талабгорлар оз эмиш, ўтиш бали юқори бўлмас эмиш, дейишса бас, ўша ёққа қараб чопади.

Касб танлаш ҳар бир кишининг ихтиёрий иши. Бунинг учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Мустақиллик йилларида бошқа соҳалар қатори, олий таълим тизимида ҳам жиддий ислохотлар амалга оширилди. Бугунги талабаларга жавоб берадиган, замонавий билимларни чуқур эгаллаган, мустақил фикрлашга, қарор қабул қилишга қодир кадрлар тайёрлаш бўйича янги миллий дастурнинг қабул қилиниши ҳамда кириш имтиҳонларида тест синовларининг жорий этилиши ўқишга кирмоқчи бўлган талабгорнинг билимини холис ва ҳаққоний баҳолаш имкони билан бирга, таълим тизимини, шубҳасиз, жаҳон андозалари даражасига кўтарди. Талаба эндиликда наинки ўқув дастурини ўзлаштиради, аини чоғда, илмий-ижодий фаолият билан шуғулланиши, турли танловларда иштирок этиб, ўз салоҳиятини намойиш этиши, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашиши ҳам мумкин. Лекин, ҳар ишнинг баҳоси унинг бевосита натижаси билан ўлчанар экан, касб танлашни шунчаки хоҳиш-истак иши деб тушунамаслигимиз керак. Ешларни у ёки бу касбга йўналтиришда жамиятнинг кадрларга бўлган эҳтиёжи ҳам ҳисобга олинмоғи даркор.

Тасаввур қилинг, ўғил ёки қизимиз «Мен агроном бўламан», «Мен шифокор бўлиб, одамларни даволайман», «Менга қурувчилик ёқади, бир-

бирдан гўзал уйлар, йўллар кураман, одамларнинг узогини яқин, оғирини енгил қиламан», деб турса-ю, биз «Йўқ, сен албатта прокурор, судья бўласан, ҳеч бўлмаса адвокатлик қиласан, қанча ҳаракат бўлса, мана, мен борман», деб турсак, тўғри бўлмас. Бола ўша нуфузли олий ўқув юртига кирди ҳам дейлик, аммо у бу соҳага қизиқмаса, юрғи ўзига маълум бошқа бир касбга уриб турса-чи? Ота-она хоҳиши билан ўзи қизиқмаган касбга ўқиган бола ўқиниши бир амаллаб тугатиб, қўлига врач, инженер, юрист деган диплом олса, эртага бунинг оқибати қандай бўлишини тасаввур эта-мизми?

Хорижий мамлакат раҳбаридан бирининг суюкли ўғли ўтган асрнинг етмишинчи йилларида фарбаги номдор олий ўқув юртининг муҳандислик факультетига ўқишга кириб, тўрт йил тахсил олади. Аммо битирув имтиҳонларини икки-уч бор уриниб ҳам, топшира олмайди.



Унга диплом беришмайди, имтиҳон комиссияси талабада муҳандислик иқтидори йўқ, деган қатъий ҳулосага келади.

Имтиҳондан ўта олмагач, у «Фалон ўқув юртида тўрт йил ўқиди», деган далолатнома билан юртига қайтиб келади ва ўзида муҳандислик салоҳияти борлигини исботламоқчи бўлиб, онаси ҳомийлигида ажратиб берилган катта ер майдонида йирик завод қурилишини бошлаб юборади. Аммо... завод ишга тушиши арафасида унинг баланд мўриси кулаб тушади.

Бу мисолни эслаётганимнинг боиси бор, албатта. Кейинги йилларда мамлакатимизда турли касб эгаларининг маҳорат танловларини ўтказиш янги анъана тусини олмоқда. Энг яхши тарбиячи, энг яхши педагог, энг яхши тадбиркор, фермер, журналист, ҳамшира ва ҳокзалар. Улар эришаётган ютуқлар ҳавасингни келтиради. Инсон ўзи ёқтирган касбга чин

дилдан меҳр қўйса, албатта, муваффақият қозонади, деган фикр ҳаётда яна бир бор тасдиғини топади. Аммо... ҳеч бир жойда уквсиз қурувчи, малакасиз шифокор ёки ношуд муҳандис танлови ўтказилмайди. Холбуки, шундай танловлар ўтказилса, «ғолиб»ликка даъвогарларнинг жуда кўп бўлиши тайин. Бунга мисолларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Тасаввур қилайлик, ўз вақтида бошқа бир касбни танлаганларида, фойдали бир хўнарнинг эгаидан маҳкам тутганларида, ўзларига ҳам, жамиятга ҳам бугунгидан кўра кўпроқ, кераклироқ манфаат келармиди?!

Журналистика касбини эгаллаб, матбуотда иш бошлаганимизга ҳадемай қирқ йил бўлади. Шу йиллар ичида кадрдон факультетимизнинг собиқ талабалари орасидан бугун номлари кўпчиликка таниш кўплаб маҳоратли журналистлар, таълимчи ёзувчилар етишиб чиқди. Уларнинг аксарияти ўқишга келгунга қадар бу касбнинг талабу машаққатларини яхши тасаввур этиб, ҳаёт қозонида бир мунча қайнаганлари, туман, шаҳар, вилоят газеталарида мақолалар эълон қилиб, қаламларини чарчлаганлари, таҳрири-

бу фикрга қўшилмаслигини айтдим. Чунки бу дунёда ҳаётим чекмай туриб эгаллаш мумкин бўлган, шунчаки ҳавас билан таг-туғига етиладиган касбнинг ўзи йўқ. Ўша, директор истеҳзо билан айтган сувчиликни олайлик. Бир қарашда жуда оддий, қўлингизга кетмонни олиб, катта ариқдан томорқага сув очсангиз бўлди. Аммо шунинг ўзи билан одам сувчи бўлиб қолмайди. Бу касб авваллари ҳам, бугун ҳам жуда ардоқланади. Халқимиз ариқ очиб, сув келтирган, табиатнинг бу ноб ёнмаётгани исроф қилмай, тўғри, адолатли тақсимлайдиган кишиларнинг ҳурмати ҳаммиша баланд тутган. Сувга бўлган эҳтиёж тобора ошиб бораётган, сув эса йилдан йилга камаётган бугунги кунда сувчиларнинг, халқ ибораси билан айтганда, миробларнинг мартабаси бошқа ҳеч бир касб мартабасидан қолишмайди.

Яхши муҳандис қурилайётган иморат пойдеворининг мустаҳкам бўлишини таъминлаш керак. Малакали шифокор ташхисни аниқ қўйиши лозим. Шу каби, сувчидан ҳам экинни сугоришда ҳосил далаларининг тупроқ таркибини ҳисобга олиш талаб этилади. Топлоқ ва қумлоқ жойдаги ниҳолларга бир меъёрга сув тараб бўлмайди. Сув каттароқ оқизилса, тупроқни ювиб кетади, исроф бўлади.

Ҳайдовчилик касбини олайлик. Бу касбнинг юристлик касбидан кам жойи йўқ. Ҳар иккаси ҳам одамларнинг ҳаёти, тақдирини билан боғлиқ. Ҳар иккаласида ҳам хато қилиш мум-

кин эмас. Давримизнинг дунёга машхур ёзувчиларидан бири ўз хотираларида «Мен болалигимда шофёр бўлишни, машина рулини моҳирлик билан бошқаришни, тоғ йўлларида машина кутиб, тинка-мадори қуриган одамларни борадиган манзилларига вақтида олиб бориб қўйишни, улардан раҳмат эшитишни орзу қилганман. Асарларимда шофёрларнинг тақдирларига кўпроқ муурожаат қилишимнинг боиси ҳам шундан», деб ёзган эди.

Бу мулоҳазалардан англашиладиган ҳулоса шунки, ота-оналар, ёшларни касбга йўналтириш муаммолари билан шуғулланадиган мутасадди устозлар бола қалбида ниш ураётган орзу-истак ниҳолларини ўз вақтида пайқашлари, уларни авайлашлари ва, албатта, тўғри йўналтиришлари зарур. Ноўринантирилган бир сўз, ишонсизлик бу ниҳолнинг уни-ўсишига жиддий зиён етказиши мумкин.

Океан иккига бўлиниши мумкин



Олимларнинг таъкидлашича, Тинч океани келажақда иккига бўлиниши мумкин. Океаннинг литосфера қатламида рўй бераётган тектоник жараёнларни кузатиш натижасида сўнгги

етти миллион йил ичида бу қатлам иккига бўлингани аниқланган. Тинч океани тубида уни икки қисмга ажратишга қодир тоғ тизмаси ҳосил бўлган.

Папанинг чақириғи

Рим Папаси янги туғилган чақалоқларни юлдузларнинг исми, мева ёки машиналарнинг номи билан аташга қарши «уруш» эълон қилган.

Бенедикт XVI насроний отоналарга муурожаат билан чиқиб, болаларига «насроний тақвимидаги исмларни беришга даъват этган.

Агар ота-оналар Рим Папасининг чақириғига қўлоқ тутадиган бўлишса, буёғига Апл(Олма), Бруклин ёки «Феррари» каби исмлар ўз ўрнини

Франческо ва Жюлиа каби исмларга бўшатиб беради.

Айни мавзу чуқурроқ ўрганилса, Рим Папасидан аввал ҳам дунёнинг кўплаб давлатларида муайян исмларни қўйиш тақиқланган. Хусусан, Янги Зеландия, Австралия, Хитой, Япония давлатлари ва Африка қитъасининг айрим мамлакатлари бунга мисол бўлиши мумкин.

Бунга исмларнинг маънисиз, уятсиз ёки тугуриқсиз экани сабаб бўлган.



2030 йилга бориб...

БМТ маълумотларига кўра, сайёраимизда ҳар йили тамаки чекиш оқибатида 6 миллионга яқин киши ҳаётдан кўз юмади. Кашандалар сонининг кўплиги бўйича дунёда биринчи ўринда Хитой, иккинчи ўринда Хиндистон, учинчи ўринда Индонезия туради.

Инсон организмда тамаки

таркибидаги никотин микдорининг кўпайиб кетиши сил, саратон ва бошқа хасталикларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Мутахассисларнинг айтишича, агар зарур чоралар кўрилмаса, 2030 йилга бориб чекиш туфайли эрта вафот этадиганлар сони йилга саккиз миллионга етиши мумкин.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши Сергели тумани партия Кенгаши раиси Феруза Ариповага волидаи муҳтарамаси **РИСОЛАТ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.